

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИГА РАҚАМЛИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИОН МЕХАНИЗМЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи

Муқимов Хожиакбар Адхамжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти.

Аннотация: Ушбу мақола хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик профилактикасидаги реактив ёндашувдан проактив моделга ўтишининг технологик ва методик жиҳатларини тадқиқ этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари асосида зўравонликнинг глобал долзарблиги очиб берилди. Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-175-сон қарори ҳамда ВМ-3-сон қарори асосида, профилактика инспекторлари фаолиятига жорий этилган асосий инновацион механизмлар ҳимоя ордерини рақамли планшетлар орқали тезкор расмийлаштириш, маълумотларни «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида интеграция қилиш ва зўравонлик содир этган шахсларнинг хулқ-атворини мажбурий тузатиш (психокоррекция) дастурлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, психокоррекция, проактив ёндашув, ҳимоя ордери, ямиҳ, «инсон» марказлари, зўравонлик хулқ-атвори, профилактика инспектори.

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш тизимидаги сифат ўзгаришларининг асосий мақсади зўравонлик содир бўлганидан кейинги реактив чоралардан, хавфни олдиндан бартараф этувчи проактив профилактика ёндашувига ўтишдир. Бу стратегик трансформация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-175-сон қарори билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Мазкур қарор зўравонликка қарши кураш механизмини нафақат ҳуқуқий ҳимоя, балки ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимининг ажралмас қисмига айлантириш орқали кўп тармоқли ҳамкорлик моделини жорий этди.

ПҚ-175-сон қарор ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг фаолиятига иккита асосий инновацион йўналишни киритди: биринчидан, рақамли технологиялар ёрдамида тезкорликни таъминлаш.

Бу тизим хавфли ҳудудларни эрта аниқлаш ва тезкор жавоб бериш орқали ҳимоя ордерларини расмийлаштириш жараёнини қисқартиришга қаратилган

бўлиб, қайта зўравонлик хавфини камайтиришга хизмат қилади. Иккинчидан, психологик-коррекцион механизмлар орқали зўравонликнинг сабаблари билан ишлаш. Бу ёндашув когнитив-хулқий терапия тамойилларига асосланган зўравонликни амалга оширувчиларга қаратилган дастурларни жорий этишни назарда тутди.

Ушбу дастурлар зўравонликка мойил шахсларда агрессия назорати ва низоларни конструктив ҳал қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали, тизимнинг проактив ва хулқий профилактика салоҳиятини оширади. Умуман олганда, ушбу қарор Ўзбекистонда хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлашда тизимли, ҳуқуқий-институционал ва технологик жиҳатдан мураккаб, замонавий ижтимоий хавфсизлик концепциясига мос келувчи ислохот амалга оширилаётганини кўрсатади.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммосининг глобал миқёсдаги долзарблигини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Жаҳон банки тақдим этган даҳшатли статистикалар тасдиқлайди. ЖССТ маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар уч аёлдан биттаси (35%) ҳаёти давомида интим шериги томонидан жисмоний ёки жинсий зўравонликка дучор бўлади; алоқада бўлган аёлларнинг 30% га яқини умри давомида турмуш ўртоғи томонидан зўравонликнинг қандайдир шаклига дуч келган.

Бу кўрсаткичлар гендерга асосланган зўравонлик ҳодисасининг эпидемик даражада тарқалганини кўрсатиб, бунинг натижасида юзага келадиган кенг кўламли соғлиқ ва ижтимоий муаммолар мавжудлигини англатади. Айниқса, Жаҳон банки маълумотлари зўравонликнинг энг оғир оқибати фемицид (аёлларнинг ўлдирилиши) хавфини кўрсатади: дунёдаги аёллар ўлимининг 38% гача қисми айнан уларнинг эркак интим шериклари томонидан содир этилади. Фақатгина 2017 йилда ҳар куни 137 нафар аёл интим шериги ёки оиланинг бошқа аъзоси қўлида ҳалок бўлган.

Бундай ижтимоий инқироз даражасидаги статистика Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-175-сон қарори асосида жорий этилаётган, реактив чоралардан хавфни олдиндан баҳолаш ва уни бартараф этувчи проактив ва самарали ҳимоя механизмларини жорий этишнинг нақадар ҳаётий муҳим эканлигини асослайди.

Шу нуқтаи назардан, мазкур мақола профилактика инспекторлари фаолиятига жорий этилган рақамли технологияларга асосланган тезкор интервенция ва когнитив-хулқий терапия тамойилларига асосланган хулқ-атворни тузатишга қаратилган механизмларнинг амалий аҳамияти ҳамда улар орқали зўравонлик такрорланиш даражасини камайтириш истиқболларини таҳлил этишга бағишланади.

«Зўравонлик» тушунчаси ҳуқуқ, психология ва социология каби бир неча фан соҳаларини қамраб олган тушунча ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти зўравонликка қуйидагича «Ўзига, бошқа шахсга, гуруҳга ёки жамоага нисбатан атайлаб жисмоний куч ёки ҳокимиятни қўллаш, ҳақиқий ёки таҳдид

шаклида, бунинг натижасида (ёки юқори эҳтимоллик билан) тана жароҳати, ўлим, руҳий жароҳат, ривожланишдаги нуқсонлар ёки турли хил зарарлар юзага келади» дея таъриф беради. Ўзбекистон ҳуқуқий амалиётида зўравонлик фақат жисмоний куч қўллаш билан чекланмайди, балки уни қўллаш таҳдиди, руҳий босим ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларини ҳам ўз ичига олади.

Маълумки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро миқёсда конвенциялар орқали тартибга солинади. Конвенция халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири бўлиб, давлатлар ўртасида муайян масалалар (масалан, инсон ҳуқуқлари, савдо, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) бўйича мажбурий қоидаларни белгилашга қаратилган ёзма келишувдир. Конвенцияни ратификация қилган давлат унинг нормаларини ўз миллий қонунчилигига киритишга ва бажаришга мажбур бўлади.

Аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши халқаро кураш 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан бошланса-да, бу муаммога махсус қаратилган ҳужжатлар ҳам мавжуд. Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Конвенция (CEDAW) шулардан бири бўлиб, 1979 йилда БМТ томонидан қабул қилинган бу ҳужжат аёлларни сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида камситишдан ҳимоя қилишга қаратилган. У аёлларга нисбатан зўравонликни гендер асосидаги камситиш шакли деб тан олган биринчи ҳуқуқий асос бўлди. Ўзбекистон ушбу конвенциянинг тўлақонли аъзосидир.

Бундан ташқари Истанбул конвенцияси (Европа Кенгаши Конвенцияси) ҳам яна бир ҳужжат сифатида қабул қилинган бўлиб унинг мақсади аёллар ва оилавий зўравонликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, аёлларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш ва оилавий зўравонликка қарши курашишдан иборат. Конвенция оилавий зўравонликни жисмоний, жинсий, руҳий ва иқтисодий зўравонлик каби тўрт асосий турга ажратади. У аъзо давлатлардан зўравонликни олдини олиш, қурбонларни ҳимоя қилиш, айбдорларни жазолаш ва бу соҳадаги сиёсатни комплекс амалга оширишни талаб қилади (4P: Prevention, Protection, Prosecution, Policies).

Конвенция ижросини аёллар ва оилавий зўравонликка қарши кураш ва унинг олдини олиш тўғрисидаги Европа Кенгаши Конвенцияси (Истанбул Конвенцияси) ижросини назорат қилиш учун ташкил этилган муҳим экспертлар гуруҳи, инглиз тилида group of experts on action against violence against women and domestic violence (GREVIO) яъни аёллар ва оилавий зўравонликка қарши ҳаракат бўйича экспертлар гуруҳи бўлиб, у Конвенцияни ратификация қилган давлатларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларни қандай бажараётганини мустақил равишда баҳолайди.

Конвенция тамойиллари (айниқса, зўравонликни олдини олиш, қурбонларни ҳимоя қилиш, айбдорларни жазолашга оид 4P тамойили) миллий қонунчиликка ва амалиётга самарали татбиқ этилаётганини кузатишдан иборат.

Гуруҳ таркиби сиёсий ва давлат вакилларида эмас, балки гендер тенглик, инсон ҳуқуқлари ва зўравонликка қарши кураш соҳасидаги юқори малакали, мустақил экспертлардан иборат. Улар давлатлардан олинган маълумотлар, нодавлат ташкилотларнинг ҳисоботлари ва жойлардаги ташрифлар асосида баҳолаш ҳисоботларини тайёрлайди. Бу ҳисоботлар давлатнинг ютуқ ва камчиликларини очиқ кўрсатиб, муаммоларни бартараф этиш учун аниқ тавсиялар беради. GREVIO Истанбул Конвенциясининг самарали ва амалий ишлашини таъминловчи халқаро назорат механизми бўлиб хизмат қилади. Европа Кенгашининг "Аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш тўғрисида"ги конвенцияси 2011 йилда қабул қилинган. Бу оилавий зўравонликка қарши кураш бўйича биринчи Европа келишуви бўлганди. Ушбу ҳужжатни биринчи бўлиб Туркия ратификация қилди, сўнгра яна 33 та мамлакат ҳам бу қаторга қўшилди. Конвенция психологик, жисмоний ва жинсий зўравонлик, мажбурий аборт, никоҳ, стерилизация ҳамда жинсий зўравонликка нисбатан жинсий жавобгарликни назарда тутди.

Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (CEDAW), 1979 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган тарихий халқаро шартнома ҳисобланади. Унинг аҳамияти шу қадар юқорики, бу ҳужжат кўпинча "Аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонун" сифатида таърифланади. Конвенция 1981 йил 3 сентябрда тузилиб, ҳозирда дунёнинг 189 та давлати томонидан ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳам 1995 йил 18 августда ушбу муҳим ҳужжатни ратификация қилиб, унинг талабларини миллий қонунчиликда амалга ошириш мажбуриятини олган.

Конвенциянинг асосий мазмуни – иштирокчи-давлатлар зиммасига хотин-қизларнинг ҳаётнинг барча жабҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мажбуриятини юклашдир. Бу мажбуриятлар қаторига, биринчи навбатда, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай камситишсиз халқаро миқёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида қатнашиш имкониятларини таъминлаш киради.

Бундан ташқари, иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уларни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини беришлари шарт. Бу, жумладан, уларнинг мулкни бошқариш ва шартномаларни тузиш вақтида тенг ҳуқуқларини, шунингдек, суд ва трибунал муҳокамасининг барча босқичларида уларга нисбатан тенг муносабатни таъминлашни назарда тутди.

Оила-турмуш зўравонлигининг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

Жисмоний зўравонлик: Шахснинг анатомик бутунлигига зарар етказишга қаратилган агрессив хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқий нуқтаи назардан эса, бошқа шахснинг розилигисиз ёки унинг хоҳишига қарши амалга оширилган ва жисмоний азоб беришга қаратилган ҳар қандай таъсир.

Руҳий зўравонлик: Таҳдидлар, қўрқитиш, ҳақоратлаш, танқид ва назорат қилиш орқали шахснинг руҳий ёки ҳиссий ҳолатига таъсир ўтказиш. Бу тизимли зўравонликнинг ажралмас қисми бўлиб, асосий мақсад жабрланувчи устидан тўлиқ назорат ўрнатишдир.

Жинсий зўравонлик: Мажбурлаш орқали содир этилган ҳар қандай жинсий акт ёки уни содир этишга уриниш.

Иқтисодий зўравонлик: Фарзандларнинг таъминотидан бош тортиш, даромадларни яшириш, молиявий қарорларни бир томонлама қабул қилиш, оила аъзоларининг харажатларини қаттиқ назорат қилиш каби ҳаракатлар орқали хотин-қизларнинг иқтисодий эркинлигини чеклаш.

Афсуски, Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунёда бир миллиарддан ортиқ аёл интим шериги ёки оила аъзоси томонидан жинсий зўравонликдан ҳимояланмаган, қарийб 1,4 миллиард аёл эса иқтисодий зўравонликдан ҳимоя ололмади. Бу кўрсаткичлар миллий қонунчиликда бу турдаги зўравонликларни аниқ жиноят сифатида белгилашнинг ўта муҳимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (3-модда) ҳамда ЎРҚ-829-сонли Қонуни билан Жиноят кодексига киритилган 126¹-модда (Оилавий (маиший) зўравонлик) айнан шу турдаги зўравонлик (жисмоний, руҳий, иқтисодий) учун аниқ жавобгарликларни белгилаш орқали миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиради.

Проактив профилактиканинг асосий шарти тезкор ахборот алмашинуви ва бюрократик тўсиқларни олиб ташлашдир. ПҚ-175-сон қарори ва ВМ-3-сон қарорига киритилган ўзгартиришлар ҳимоя ордерини бериш жараёнини рақамлаштиришни назарда тутди. Бунда профилактика инспекторига ҳимоя ордерини махсус планшет ёрдамида, ҳодиса жойида расмийлаштириш тизими жорий этилиши, нафақат тезкорликни таъминлайди, балки хужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш имконини берувчи QR-код билан таъминлаши белгиланган (ВМ-3-сон қарори низоми, 13-банд).

Бундан ташқари мазкур тизимнинг асосий аҳамияти унинг бошқа давлат ахборот тизимлари билан интеграциясидир. Инспектор планшет орқали фуқаронинг судланганлик ҳолати, маъмурий ишлар ва бошқа керакли маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса инспекторнинг вазиятни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ва проактив баҳолашини кафолатлайди.

Рақамлаштиришнинг энг катта ютуғи «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» (ЯМИХ) ахборот тизими орқали маълумотларнинг ИИОдан «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига дарҳол узатилишидир (ПҚ-175, 2-в). Бу ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспекторидан иборат уч томонлама назоратнинг бошланишига туртки беради ва жабрланувчига биринчи навбатдаги тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини кечиктирмай

йўлга қўяди. Рақамли маълумотнинг тезкорлиги ҳуқуқий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари орасидаги вақт фарқини минималлаштиради.

Барвақт профилактиканинг асосий мақсади зўравонликнинг такроран содир этилишининг олдини олиш бўлиб, бу шахснинг хулқ-атворини ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

3-сон қарорига 2-иловада, ҳимоя ордери берилган ҳар бир ҳолатда зўравонлик содир этган шахсни тузатиш дастуридан ўтишга мажбур бўлиб, дастурнинг намунавий тузилмасига кўра якка тартибда суҳбат, зўравонлик сабабларини аниқлаш, шахснинг психоэмоционал ҳолатини коррекциялаш, айбдорлик ҳиссини назорат қилиш, шунингдек гуруҳда ишлаш, яъни агрессияни бошқариш, шахслараро муносабатларни яхшилаш, ассертивликни (ташқи таъсирга берилмасдан ўз хулқ-атворини мустақил бошқариш) шакллантириш кабиларни ўз ичига олган. Шунингдек ПҚ-175-сон қарорининг (4-г банди) тузатиш дастурига психологлари жалб қилишни белгилаб, бу психологик жараённинг сифати ва мажбурийлигини оширди. Тузатиш дастуридан ўтишнинг амалий самарадорлигини баҳолаш учун олти ой давомида мониторинг олиб бориш тизими жорий этилган. Бу уч томонлама назорат (профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходим) хулқ-атвор ўзгаришларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган энг муҳим проактив чора ҳисобланади.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишдаги профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш зўравонлик тушунчасининг назарий-ҳуқуқий асосларини чуқур ўрганиш, рақамли воситалар ва психологик-коррекцион механизмларни интеграция қилиш орқали амалга оширилмоқда. ПҚ-175-сон қарор асосида ҳимоя ордерини тезкор ва рақамли расмийлаштириш, маълумотларни ЯМИХ орқали алмашиш тизимлари ИИОнинг проактив жавоб бериш қобилиятини оширди. Зўравонлик хулқ-атворини мажбурий тузатиш дастурини жорий этиш эса, тизимни жазолашдан кўра, зўравонликнинг ижтимоий-психологик сабабларини бартараф этишга қаратилган. Бу комплекс чора-тадбирлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг хавфсизлигини самарали таъминлашга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

3. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й).

4. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 134-140.

5. Атажанов, Ў. М. (2025). МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ. Научный Фокус, 3(30), 119-126.

6. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 127-133.

7. АТАЖАНОВ, Ўткир Маматсалаевич, ЖАСУР, Ҳамидалиев Асадбек, et al. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОЗОР ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ. Научный Фокус, 2025, vol. 3, no 30, p. 163-171.

8. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 184-190.

9. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 191-197.

10. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 152-162.

11. Адхамов, Зафар Акбарович. "ШАХСЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРИДАН ЎТКАЗИШДА ДИНИЙ УЛАМОЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ." THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY 2.20 (2024): 114-117.

12. Адхамов, З. А. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 165-172.

13. Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.

14. Атажанов, У. М. (2025). ДЕТЕРМИНАНТЫ КРИМИНОГЕННОСТИ СЕМЬИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ В СИСТЕМЕ УКРЕПЛЕНИЯ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ, ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЙ ПОДХОД К ОБЕСПЕЧЕНИЮ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Научный Импульс, 3(33), 157-165.

15. Тиллаходжаев, Баҳодир, and Гулзода Абдуразоқова. "ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.5-3 (2025): 74-77.